Сизлардан бирингиз имомдан олдин бошини кўтарган вақтида Аллоҳ унинг бошини эшакнинг бошига айлантириб қўйишидан ёки кўринишини эшакнинг кўринишига айлантиришидан қўрқмайдими», – дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирингиз имомдан олдин бошини кўтарган вақтида Аллоҳ унинг бошини эшакнинг бошига айлантириб қўйишидан ёки кўринишини эшакнинг кўринишига айлантиришидан қўрқмайдими», – дедилар.
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда имомдан олдин бошини кўтарган кишига қаттиқ тахдид бор эканини баёнладилар. У ҳам бўлса, Аллоҳ унинг бошини ёки шаклини эшакнинг бошига ёки шаклига айлантириб қўйиши мумкинлиги.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3086